

Бўза, май ва умуман кайф берадургон ичкиликларининг зарарли бўлиши тўғрисида сўзлаб ўлтириш ортикчадир. Унинг кандайин захри беомон экани илман собитдир. Яқинда бутун Русия олимларининг Масковда бўлуб ўткан курултойи аклсизлик-жинниликнинг ичкиликка жуда яқин алокада бўлганини исбот этди.

Бу нарса Туркистоннинг бутун шахар ва кишлокларига ёйилгон. Хатто баъзи бир зиёлилар ва хотинларига хуррият тарафдори бўлгон кимсалар ўз оилалари билан хам «расман» ичишмакка бошлагонлар.

Кўп кишилар бунинг кўп ичилишини билимсизликдан, зарарини тушунмаганликдан келадир, дейдилар. Лекин бу тўғри эмас. Дўхтурлар хам тамаки ва «алкагул»нинг зарарини жуда яхши билатуриб, ўзларини шундан торта олмайдилар. Бу, тўғриси, тарбиясизликдан келгандир. Бундай кишилар ўзларини идора эта олмайдургон зотлардир. Бунга ўргангандан кейин кутулиш кийин.

«Туркистон» газетининг ўтган сонларидан бирида, Туркистон Хатк комиссарлар шўросининг кўкнори экишни ман килиб чикаргон карори ёзилди. Биз буни кўруб халкни захарлайдургон моддалардан бирини камайтириш ва битириш йўлига киришганлигини кўруб жуда севиндик ва олқишладик. Бугун ичкилик тўғрисида хам ўз товушимизни халкнинг хомийи ва мураббийи бўлган юкори хукумат доираларига эшитдирмакчимиз. Ичкилик ўзгаришдан кейин бир неча вақтлар ман килингон бўлса хам, «иктисодий-сиёсат» билан яна эски холига кайтди. Самогун ва мусаллас пиширгувчилар билан кураш олиб боргон бўлса хам, ул кўп вақт давом этмади. Шундан кейин яна ривож олиб кетди.

Мана бу курашни тўхтатмаслик керак. Юкори доираларимизнинг, айникса, бўлис ва кишлок ташкилотларининг ва халкимизни маданий хаётга яқинлаштирмок дардида бўлгон ишчиларимизнинг шу масалага жиддийрок карамокларини ўтинамиз.

Вадуд Махмуд

Ушбу макола «Туркистон» газетасининг 1923 йил 24 декабр сониде эълон килинган.